

624.3

Ш-379

В. ШЕВЧЕНКО

Бр. 22856/3.



СУХБАТЛАР

ФАН ХАҚИДА



634,9 | Sp. 22856/3.
W-379 | Ulebrekko B.
Apra. w 41.

1970		47
	759	47


В. ШЕВЧЕНКО,
биология фанлари кандидати.

634.9
Ш - 379

АРЧА

бр. 22856/3.

№ 41



Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти
Тошкент — 1970

к

Арча — Ўрта Осиё тоғ арчасининг маҳаллий номи. Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Қозоғистоннинг кўпгина районларида тоғ ўрмонлари фақат арча дарахтидан иборат бўлади. Бу ерларда бошқа дарахт навлари учрамайди.

Сиз ўзингизни машинада тоғ дарасидан кетаётгандек тасаввур этинг. Ҳамма ёқда яланғоч тик қоялар, кунгай ерларда эса офтобда қовжираб сарғайиб қолган ўтлар кўзга ташланади. Аммо илон изи тоғ йўли кескин бурилиш ясаши билан манзара бутунлай ўзгаради, қолади: серқоя қияликларда гўё улкан шамчиروқлардай ям-яшил арча дарахтлари тик қад ростлаб турибди. Қияликларда эса арчазорлар йирик гулхоналар вужудга келтирган, ўт-ўланлар бўлса чор атрофда бахмал тусда мавж уради.

Келинг машинадан тушиб, арчазорлар ора-лаб юрайлик. Арча туплари остига қуёш зиёси деярли тушмайди, онда-сонда тупроқ юзаси сариқ новдачалар чиқарган мох ўсимликлари билан қопланган. Дарахтлар-чи! Улар дарахт эмас, бир ажойибот. Танасининг сарғиш-кумушсимон пўстлоғи тўрсимон қорамтир-яшил япроқларига жуда ҳамоҳангдир. Арча барги худди кипарисники сингари тангачасимон кўринишда. Агар унга диққат билан қарасак ромба ва нуқталардан иборат содда расмни кўрамиз. Бутун

Урта Осиёда машҳур ва жуда кенг тарқалган наққошлик эҳтимол шундан бошлангандир! Балки кишилар расмнинг нозик сайқалини мана шу арчадан олишгандир...

Арча шох ва япроқларининг ранг-баранг шакли кишини ҳайратда қолдиради. Баъзи дарахтлар мачта каби тик ва тўғри, бошқалари эса ажойиб-ғаройиб равишда эшилган ва буралганки, худди ўралиб ётган баҳайбат илонни эслатади.

Арча дарахтига диққат билан назар солсангиз унда ҳамма-ҳаммасини: қайиннинг сокин ўйчанлигини ва осмонўпар чинорнинг доно улугворлигини илғаб оласиз.

Одатда, бу дарахтлар унчалик баланд бўлмайди: атиги 5—10 метрга етади, холос. Лекин тоғ оралигининг баъзи жойларида бўйи 25 метрли арчаларни ҳам учратиш мумкин. Танасининг йўғонлиги икки метрга етади. Катта баландликларда арча шамолдан шикаст топиб, ер бағирлаб ўсади. Арча ҳаддан ташқари секинлик билан ўсади. Эллик йилда бўйи атиги бир ярим-икки метрга етади ва фақат юз йиллар ўтгандан кейингина у баҳайбат ўрмон дарахтига айланади. Арчазорларда 2000 ёшли арчалар ҳам бор. Шунчалик узоқ вақтни тасаввур этиш жуда қийин ва шу бугун, ҳозир, тоғларда Темурланг ва Улуғбек, Умар Хайём ва Рудакий замондоши бўлган дарахтлар борлигига ишонгинг келмайди.

Арча ўсадиган жойларда яшовчи барча халқларнинг ҳаёти қадимдан мана шу дарахт билан боғлиқ. Арча тоғликларнинг бутун ҳаётида худди яқин дўстдек доим ҳамроҳ бўлди. Арчадан ясалган бешик чақалоқни аллалади, ўсмирлик ёшида уни отга миндиришдан олдин

тёрїи ва арчадан қулай эгар ясалди. Вояга етганида эса у арчадан оморч ясади. Уйининг томига қўйилган арча тўсин эса, унга бутун ҳаёти давомида хизмат қилди. Арча ўтини совуқда иситди ва иссиқ овқат тайёрлашга ёрдам берди. Ниҳоят у қариган чоғида арчадан ясалган ҳассага таяниб юрди, вафот этгач эса арча тобути уни мазорга — мангу оромга элтиди.

Арчадан қилинган тўсинлар то шу кунгача Самарқанд ва Ўрта Осиёдаги бошқа қадимий шаҳарлардаги обидалар гумбазини мустаҳкам ушлаб турибди. Одамлар металл эритишни ўрганиб олганларидан кейин эса арча ўз ролини янада актив бажара бошлади — металл эритишда арча кўмиридан фойдаланилди. Цивилизация тараққиётининг миқёсига қараб арча янги-янги соҳаларда қўлланила бошланди. Ундан қалам ишлашда, чиройли фанерлар, шунингдек сунъий мәрмар тайёрлашда фойдалана бошладилар. Бу қимматбаҳо дарахт нави экспорт қилина бошланди. Улуғ Ватан уруши йилларида арча катта хизмат кўрсатди. Ундан порох, шунингдек ярани даволовчи муҳим восита — арча бальзами тайёрлашда қўлланилди. Арчадан кондитер ва ликер ишлаб чиқаришда қўлланиладиган сироп (шарбат)лар, ацетон, фурфурол, чумоли ва сирка кислотаси, глюкоза, тери ошлашда қўлланиладиган моддалар, шунингдек, микроскопик тадқиқотлар учун иммерсия ёғи олиш мумкин. Таҳмин қилишларича, ажойиб шифобахш «мўмиё» бальзамининг келиб чиқиши ҳам айни мана шу арча билан боғлиқ. Арчанинг яна қандай ажойиб хоссаларга эга эканлигини охиригача билмаймиз, дейишга бизда ҳамма асослар бор...

Шундай қилиб, арча, шубхасиз фойдали дарахт, лекин унинг иқлимни фақат биз ҳикоя қилган ҳудудлардангина иборат эмас. Унинг кўп турларини ўрганиш йирик мутахассис олим академик В. Л. Комаров шундай деб ёзган эди:

«...Арчазордан бўлак бошқа ўрмонни бўлмаган жойларда арча мазкур мамлакатнинг иқлими ва маданиятига жуда катта таъсир кўрсатади».

Арча дарахти тоғ этагидан бошлаб то денгиз юзасидан 3400—3700 метргача бўлган ба-лангликларда ўсади. У ёёор бўлиб, дарё водий-ларида, тикка ён бағирларда, шамолда тақирн чиқиб кетган тик қияликларда ҳам ўсаверади.

Қиш. Паға-паға қор учқунлари тоғ чўққи-ларига тушмоқда. Момиқдек оппоқ кўрпа бор-ган сари қалинлашиб бутун атрофни буркаб олади. Қор учқунларининг ҳеч қандай оғирлиги йўқдек туюлади. Лекин қишда ёққан беҳисоб қор учқунлари кўп тонналик қор массасини ҳо-сил қилади, дарахтсиз тик қияликлардаги қор ҳар минутда ҳаракатга келиш хавфини туғдира-ди. Қор ҳаракатга келганда, албатта, фалокат рўй беради... Ўрмонли қияликлардаги қор эса қавилган кўрпани эслатади. Арча танаси ва унинг йўғон шохлари бу кўрпани ҳамма жойи-дан «қавийди». Ўрмон қанча қалин бўлса қия-ликлардаги қор қоплаш шунчалик мустаҳкам туради.

Баҳор. Қорлар эрий бошлайди, дарахт шох-лари шамолда тебраниб қорлари тўкилади. Ар-ча шохчалари энди қаддини қўёшга қараб рост-лай бошлайди. Ўрмонсиз жойлардаги қорлар тез эриб, илоҳи нон шўх жилғалар ҳосил қилиб янада оқа бошлайди. У тупроқни аёвсиз кеми-риб, чуқур хандақлар ҳосил этади. Баҳорги куч-ли ёғдин вақтида ифосе сувлар катта куч би-

лан пастга оқиб тушади. Пастга тушаётган сув жуда катта қор уюмларини вужудга келтириб, улкан қояларни сидириб ўзи билан бирга олиб кетади. Кишилар, экинлар, ҳайвонлар ҳалок бўлади, электр узатиш тармоқлари, йўллар, кўприклар ишдан чиқади. Баъзан селлар бутун-бутун қишлоқларни тамоман ювиб кетади.

Ўрмонсиз жойлардагина шундай бўлади. Арчазорларда эса баҳор бутунлай бошқача ўтади. Биринчи иссиқ шамол келиши билан арча шохларидаги қор эриб кетади. Лекин ўрмон ичидаги қор жуда секин эрийди. Иссиқ кунлар келиши билан дарахт таглари, қор уюлиб қолган жойлар ҳам кўрина бошлайди. Арча шохчалари тўкилган ерлар унчалик қаттиқ яхламайди, эриган қор сувлари эса секин-аста тупроқнинг чуқур қатламларига сингиб боради. Ўрмонда тезоқар жилғалар бўлмайди, деярли барча намликни тупроқ ўзига тортиб олади. Сув тупроқ қатламлари орасидан ўтиб, секин-аста филтрланади ва ниҳоят муздек бўлиб, мусаффо ҳолда яна ер юзасига чиқади. Ўрмондан бошланувчи барча жилғаларнинг битта ажойиб хусусияти бор: унда сув узоқ вақт оқиб туради, шунинг учун, айниқса, водийларда суғориш даври бошланганда бу сув жуда асқотади.

Йиғилиб қолган қор уюмлари хавфига қарши қуриладиган бирорта иншоот ҳам пишиқлиги ва кўпга чидамлилиги жиҳатидан арча ўрмонидек табиий ғов ролини ўйнай олмайди. Ўрмонлар гўё улкан шлюз бўлиб, ёмғир ва эриган қор сувларини бир меъёردа оқишини таъминлайди.

Ўрта Осиёдаги тоғлардан бошланувчи дарёлар асосий сувни арча ўсадиган жойлардан баланддаги қор ва музликлардан олади. Лекин,

шунга қарамасдан арча ўрмонлари тоғдан тушаётган сувлар тезлигини маълум даражада бошқариб туради. Тоққа баҳор водийдан келади. Гуллаётган боғларнинг хушбўй ҳидини олиб келаётган иссиқ водий шамоли қоялар сари интилиб, тоғларга урилади. Ўрмонларга етиб келган шамол оқимининг тезлиги камайиб, кучсиз оқимларга бўлинади. Иссиқ шамол оқими муз ва қорларга урилиб, уни секин-аста, бир меъёردа эрита бошлайди ва сон-саноқсиз жилғалар дарё воҳалари сари йўрғалайди. Куз келиши билан арчазорларга совуқ шабада эса бошлайди, кейин у водийга қайтади. Кузги йиғим-терим ишлари қизиган иссиқ кунларда деҳқон учун бунинг жуда катта аҳамияти бор.

Ниҳоят, арча ўрмонлари кишиларга шифо бахш этади. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, бир гектар арчазор бутун бир катта шаҳар осмонидаги микробларни қириб ташлашга етадиган учиб юрувчи фитонцидлар ажратар экан. Арча зоналарида ажойиб курортлар қуриш учун кўпгина яхши жойлар бор. Афсуски, бундай курортлар ҳозирчалик йўқ.

Ишонамизки, арча тўғрисидаги мана шу қисқача тафсилотдан сўнг ҳар бир киши уни тўла ишонч билан ҳаёт дарахти деб аташимизга қўшилса керак. Бироқ номи арча деб аталувчи бу қимматбаҳо бойликни одамлар қадрлай оляптими-йўқми?

Арчани йўқотиш қадимдан бошланган. Ўрта Осиёни яхши ўрганган олим, профессор М. Е. Массоннинг фикрича, қадимда Шаҳрисабз билан Самарқанд ўртасидаги тоғлар қалин ўрмонлар билан қопланган бўлган. Бу ўрмонлар арчазорлардан иборат бўлганлиги жуда эҳтимол. Ҳозирги Ургут районида қадимги серўрмон мам-

лакати бўлган, унда Александр Македонский оқилган, ўз қўли билан йўлбарс ўлдирган. Кейинчалик, илк ўрта асрларда бу ерда металл эритиш учун кўмир ёқа бошлаганлар ва бу билан жуда жадал суръатда арча ўрмонларини қириш даври бошланган. Ҳозир Ўргут—Самарқанд—Шаҳрисабз районида бирор кимса бизга ҳатто бир туп ҳам арча дарахтини топиб кўрсата олмас керак.

Арчани ўйламай-нетмай кесавериш яқин-яқин вақтларгача ҳам давом этди. Масалан, 1912 йилдан то 1947 йилгача бўлган даврда фақат Жанубий Қирғизистонда ўрмонзорлар тахминан 15000 гектарга қисқарди. Шу давр мобайнида бутун Қирғизистондаги ўрмонзорлар майдони 40 процентдан ошиқроқ камайди.

Тожикистон ССР Фанлар академиясининг академиги С. У. Умаровнинг 1961 йили келтирган маълумотларига қараганда кейинги 50—60 йил давомида бутун Ўрта Осиё республикаларидаги арча ўрмонларининг умумий майдони ўртача 26—30 процент қисқарган. Каттагина территорияда арчазорларни ёппасига кесиш ўрмонларга жуда катта путур етказди. Танлаб кесиш ишлари жиддий зарар келтирди. Чунки бунда ҳамма ўрмонлар қамраб олинган эди. Бундай танлаб кесишда ҳам энг яхши дарахтлар йўқ қилинди.

Ҳозир бутун Ўрта Осиёда озгина ҳам участка йўқки, унда бир неча марта кесиш ўтказилмаган бўлсин. Бориш мумкин бўлган барча районларда пастки шохлари кесилмаган бирон-бир дарахтни топиш қийин.

Профессор М. Е. Массоннинг гувоҳлик беришича, ҳатто Қурама тоғ тизмасида яшовчи қадимги кишилар ҳам арча ўрмонларининг аҳами-

ятини яхши тушунганлар. У шундай деб ёзади: «Далон қишлоғида яшовчи кишилар қачонлардир ўлиб кетган қандайдир бир қурамалик кампирнинг қаромат қилиб айтган сўзларини ўз хотираларида сақлаб келадилар. Кампир, агар ўрмон ҳаддан ташқари кўплаб кесиб юборилса, неvara ва чевараларимиз сувга муҳтож бўлиб қоладилар деб кишиларни ишонтирган. У қабиладоларини писта кўмир куйдиришга кўп ҳам берилиб кетмасликка даъват қилган». (1929 йили ёзилган).

Шуниси, айниқса, афсусланарлики, ўтган замонда яшаган кампирнинг қаромат қилиб айтган ибратли ўғити энди рўёбга чиқди. Масалан, маълумки, сувга танқис бўлган Туркманистон республикасида Копетдоғдан оқиб тушадиган дарё сувларининг умумий миқдори кейинги 30 йил ичида 50 процентга камайиб кетди.

Шуни эътироф этиш ачинарлики, ўтмиш замонда яшаган кампир билган ҳақиқатни узоқ вақтгача бизнинг замондошларимиз тушуна олмадилар. Арча ўрмонларида кесиш иши яқин-яқинлардагина ман этилди. Ниҳоят, 1960 йилдагина бу ўрмонлар тупроқ ва сувни сақлаш аҳамиятига молик категорияга киритилди.

Шундай қилиб, арча ўрмонларида дарахт кесиш ман қилинди. Лекин шунга қарамай Қирғизистон, Ўзбекистон ва Тожикистонда ҳозирги кунда ҳам арчаларни кесмоқдалар. Бу республикаларнинг ҳаммасида яйлов чорвачилиги ривожланган.

Ҳар йили яйловларда — тоғ ўтлоқларида қор кетиши билан бу ерларга кўплаб чўпонлар кўчиб ўтади. Улар бир неча минг оилани ташкил этиб, ҳар йили тоғда 4—5 ой бўладилар. Шу вақт ичида уларнинг ҳар биттаси 2—3 кубометр-

дан ўтин ёқади: ахир ҳар қайси ўтовдаги ўчоқдан эрта тонгдан то кеч қоронғусигача тутун бурқийдида. Чўпонлар яйловга қайтишлари билан қишга ўтин ғамлашга киришадилар. Тоғ овулларида яшовчи кишилар ҳам арчани кесиб ўтин қиладилар: чунки, улар ёқилғи билан амалда таъминланмайди ёки жуда оз миқдорда таъминланади. Тоғликлар яшайдиган уйларнинг тўсини то шу кунгача арчадан қилинади, чунки қурилиш материали бу ерларда мутлақо етишмайди. Кўриниб турибдики, арча дарахтлари асосан уларни ўзбошимчалик билан кесиш оқибатида тугаб боряпти. Тожикистонда, масалан, бориш осон бўлган жойларда ўрмон тугатиб юборилган, махсус «касб»даги кишилар — арча овловчилар мавжуд. Улар бош айланар чўққиларга чиқиб олиб арча кесадилар ва уни бениҳоя юқори баҳоларда сотадилар. Арчани фақат ўтин учунгина кесмайдилар. Қозоғистоннинг баъзи районларида чўпонлар ўтлоқларни кенгайтириш учун ер бағирлаб ўсадиган буталарни — стланикларни кесиб ташлайдилар.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, ўрмон хўжаликлари дарахтларни парваришlashда унинг шох-шаббаларини бутаб туришлари керак. Бундай «қонуний» буташ баҳонаси билан инсофсиз кишилар баъзан қимматбаҳо дарахтларни нобуд қиладилар. Ўрмонни тозалаш ишларида банд бўлган ишчиларга нотўғри ҳақ тўлаш системаси ҳам бунга имкон бермоқда. Улар тозаланган ҳар гектар территория учун эмас, балки тайёрлаган ўтинларининг ҳар куб метри учун ҳақ оладилар. Демак, бутун ўрмон бўйлаб зарарланган ва қари дарахтларни қидириб юргандан кўра юз йиллик битта катта дарахтни ағдариш улар учун фойдали. Ниҳоят, ўрмон-

ларни қўриқлаш иши ҳам ёмон йўлга қўйилган. Битта ўрмон қоровулига 18 дан то 30 минг гектаргача ўрмон тўғри келади. Яна бу тоғлик жойларда-я! Бунинг устига-устак ўрмон қоровули отда юради, унда қуроли бўлмайди. Ўрмон қондасини бузувчиларнинг эса машиналари бор ва қуроли ҳам.

Сақланиб қолган кўпгина арчазорлар ачинарли аҳволда: жуда сийракланиб қолган, касаллик ва зараркунандалар билан шикастланган. Зараркунандалар уруғни ҳам шикастлаб, уни тез униб чиқмайдиган қилиб қўяди. Шунинг учун ҳам арчазорларда ёш дарахтлар ниҳоятда кам. Табиий кўпайиш бўлмаганлиги учун катта ёшдаги дарахтлар салмоғи ортиб кетади. Бутун Қирғизистонда ёш дарахтлар жами ўрмон майдонининг фақат 7,1 процентини, ёши 100 йилдан ортиқ бўлган кекса дарахтлар эса 50 процентни ташкил этади. Арча уруғи жуда кам униб чиқади, униб чиққанларини ҳам моллар босиб ташлайди, чунки, молларни боқишда ва уларни бошқа томонларга ҳайдаб ўтишда бунга сира эътибор қилинмайди.

Биз чорвачиликдаги муваффақиятлар билан фахрланамиз, лекин шунинг унутмаслик керакки, биз қисқа муддатли ва ўтқинчи муваффақиятларга эмас, балки чорвачиликни жиддий суръатда мустаҳкамлашга интиламиз. Бунинг учун чорвачиликнинг асосий базаси бўлган ўтлоқларни йўқ қилиш эмас, балки кўпайтириш зарур. Баъзи хўжаликларда қорамоллар сонини ўтлоқларни кўпайтириш ҳисобига оширадилар. Арча ўрмонлари узоқ муддатли фойдаланиш учун колхоз ва совхозларга деярли бутунлай биркитиб қўйилган. Шунинг учун ҳам моллар баъзан тўғридан-тўғри ўрмонларда боқилади,

бу эса арчазорлар умумий ҳолатини ёмонлаштиради. Оқибатда яйловлар ҳам хароб бўлиб қолади. Шунини ҳам айтиш керакки, хўжаликни тўғри ташкил этиш билан бундай ҳолга чек қўйиш мумкин. Арчазорлардаги ёмон аҳвол анча вақтлардан бери ташвиш туғдириб келмоқда. Уларни тугатиш жуда тез боряпти, аммо уни тиклаш учун неча асрлаб вақт керак. Арчазорларни фақат қатъий ва зудлик билан кўрилган чораларгина сақлаб қолиши мумкин.

Шу нарсани таъкидлаш диққатга сазоворки, арча зоналарида унинг ўрнини боса оладиган бошқа турдаги дарахтларни ўстириш учун қилинган уринишлар муваффақиятсиз бўлиб чиқди. Албатта, бу — шу йўналишдаги янги изланишлардан воз кечиш деган сўз эмас. Бироқ асосий эътибор арчани сунъий кўпайтириш усулларини ўрганишга қаратилмоғи керак.

Бу соҳада кўпгина ишлар қилинган. Масалан, Қирғизистонда В. М. Жонаева ва А. Б. Чубаларнинг шижоатли ишлари туфайли арча кўчатзорларда муваффақиятли кўпайтирилмоқда. Ўзбекистонда ҳам арча кўчатзорларда ўстирилмоқда. Яқинда бу республикада арча уруғининг суст униб чиқиши сабабларини ўрганиш юзасидан олиб борилган тадқиқот ишларига якун ясалди. Тожикистонда А. А. Конновнинг «Туркистон тоғ тизмасининг шимолий ёнбағирларидаги арчазорлар» деган йирик монографияси босилиб чиқди. Арча уруғига шикаст етказувчи ҳашарот ва каналарнинг ҳар хил турлари ўрганилди. Уларнинг баъзи бирларига қарши курашиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Булардан ташқари, яна бошқа ишлар ҳам бўлиб, улар ичида зарур ва қизиқарлиги анчагина, лекин Ўрта Осиёда ўрмончилик фанининг ташкил

қилиниши билан боғлиқ бу ишларнинг ҳаммасини ҳали муваффақиятли деб бўлмайди.

Ҳозир бутун Ўрта Осиёда арчани махсус ўрганиш билан салкам 10—15 киши шуғулланади, лекин бу тадқиқотчилар амалда якка ҳолда иш олиб борадилар, ёки улар фаолиятида марказлашиш йўқ. Иш шу зайлда кетганда, айрим муваффақиятлар бўлса ҳам, арчани ўрганиш комплекс ва ягона план бўйича олиб борилади деб ҳисоблаб бўлмайди. Арча проблемаси кенг кўламда ва атрофлича ишлаб чиқилгандагина уни ҳал этиш учун база яратилиши мумкин.

Арча проблемаси бу қимматбаҳо дарахт навининг сунъий кўпайтириш усулларини ўрганиш билан узил-кесил ҳал этилмайди. Қирғизистон ССР Фанлар академияси ўрмончилик сектори мудир П. А. Ганнинг фикрича бу проблеманинг мураккаблиги арча ўсадиган зоналарда хўжаликни юритишнинг (ўрмончилик ва қишлоқ хўжалиги) алоҳида, комплекс методларини ишлаб чиқишнинг шарт эканлиги билан белгиланади. Бу метод арчадан саноат учун муҳим хом ашё сифатида фойдаланишни тўғри планлаштиришга имкон бериши керак. Уни ишлаб чиқишда фақат биолог ва ўрмончилик мутахассисларигина эмас, ҳатто қишлоқ хўжалиги мутахассислари, иқтисодчилар ва географлар қатнашиши лозим.

Ажойиб ўрмонларни муҳофаза қилувчилар армиясини яратишнинг бошқа йўли ҳам бор. Ўрта Осиёда яшовчи ҳар бир киши бу бой ўлканинг кўпгина районлари маданиятини келгусида янада ривожлантириш, шунингдек, унинг иқлимини ўзгартириш худди мана шу арча ўрмонларини сақлашга боғлиқлигини аниқ тушуниши керак.

Бу ерда мен икки кичик воқеани ҳикоя қилиб бермоқчиман.

1965 йилнинг май ойида бизнинг отрядимиз Қирғизистон ўрмончилик станциясининг Наукат тажриба хўжалигида ишлаган эди. Бу хўжалик тезоқар Мозорсой дарёси қирғоғидаги хушман-зара Қорақўй воҳасида, 2500 метр баландлик-даги Анай тоғ тизмаси ёнбағрига жойлашган. Посёлка оппоқ қор босган тоғ чўққилари билан ўралган. Чор атроф — қияликларда арча дарахтлари кўм-кўк яшнаб турибди.

9 май куни дара бўйлаб автомобиль мото-рининг гувиллаган овози тарқалди. Сал ўтмай машина тажриба хўжалиги ҳовлисига кириб келди-да, ундан қувноқ мактаб ўқувчилари ту-шишди. Байрам куни болалар экскурсияга ке-лишганди. Кўп ўтмай, болалар бутун тоғ ёнба-ғирларига тарқалиб кетишди, улар худди тоғ эчкисидек тошдан-тошга сакрашар, дарахтлар тепасига чиқишарди. Улар арча шохларини ке-сиб келиб гулхан ёқишди...

Бироз маъюсланган эдим. Беихтиёр мени шундай хаёл чулғади: наҳотки улар тушунмасал-лар, арча нималигини билмасалар, бу дарахт-нинг ҳар бир шохчасини қадрлаш кераклигини наҳотки англамасалар?..

Эртаси куни эрталаб болалар кетишга тай-ёргарлик кўриша бошлашди. Мен уларнинг раҳ-бари (биология ўқитувчиси) олдига бориб, уларнинг бу ерга келишдан мақсадларини бил-моқчи бўлдим. Ўқитувчи, ёш йигит, яқиндагина Ўш педагогика институтини битирган. У менга мамнуният билан бу ерга дам олиш, тоғни то-моша қилиш ва коллекция йиғиш учун келган-ликларини тушунтирди.

Болалар менга фахрланиб йиққан тош,

ўт-ўлан, қўнғизлар коллекцияларини кўрсатишди. Лекин коллекцияда арчанинг бирорта ҳам шохчаси йўқ эди. «Сизлар нима учун коллекцияга арча олмадингиз?» деб савол бердим.

Ҳайрон бўлиб жим туришди, кейин болалардан бири саволимга савол билан жавоб қайтарди: «Унинг нимаси қизиқ? Арча арчада...». Бошқа бир жасурроғи қўшиб қўйди: «Арча фақат печкага ёқиш учун, янги йилда эса арча байрамида керак бўлади...». Мен болаларни яқиндаги дарахтнинг олдида боришларини илтимос қилдим ва бу дарахт қирғизчасига қандай аталишини биласизларми, деб савол бердим. «Арча» — жавоб беришди улар. «Қанақа арча?». Жавоб кутиш бефойдалигини тушундимда, болаларга ўзим бу ажойиб ҳаёт дарахти тўғрисида ҳикоя қила бошладим. Улар ҳикояни диққат билан тинглашди, ёниб турган кўзларида эса ҳаяжон сезилиб турарди. Саволларнинг эса чеки бўлмади.

Биринчи ҳикоям ана шундай. Иккинчиси эса яқиндагина бўлиб ўтди.

Биз қирғиз овчиси билан арчазордан борардик. Арча шохларига диққат билан қараётганимни сезиб, яқинроқ келдида, у менга шундай деди: «Бу — қора арча». Унинг ёнидаги дарахтни кўрсатиб сўрадим: «Бу-чи?». Чол ўйлаб ўтирмасданоқ жавоб берди: «Ўрик арча». Биз тоғ ёнбағирларидан борарканмиз, чол «Сафет арча, сари арча, қора арча» деб номма-ном гоҳ у дарахтни, гоҳ бу дарахтни кўрсатиб борарди.

Бу ҳар икки воқеадан битта савол туғилади: нима учун саводсиз овчи чол арча тўғрисида яқиндагина институтни битириб келган биология ўқитувчисидан кўра кўп нарса билади?

Бу ерда гап ўқитувчи ва ўқувчилар билими-

даги тасодифий камчилик тўғрисида кетаётгани йўқ. Масала анча-мунча жиддий: гап халқ донишмандлиги дурдоналари унутиб юборилаётганлиги тўғрисида боряпти. Болалар она табиатга муҳаббат туйғуларини уйғота оладиган ҳақиқий билимлар олмаяпти. Балки, бизнинг рационал асримизда болаларни ўрмонга нисбатан бундай олижаноблик, ихлос билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашнинг ҳожати йўқдир. Биз шундай деб ўйлаймиз. Уларга лоақал асосий рационал ғояларни бериш зарур.

Ҳикоям жуда чўзилиб кетди, лекин шундай бўлса ҳам пироварди яна иккита масала устида тўхталиб ўтаман.

Биринчиси, қалам хусусида. Сиз бир қатор чет эл фирмалари ишлаб чиқарган энг яхши қаламлар Урта Осиё арчасидан тайёрланганини биласизми? Революциядан кейинги дастлабки йиллари бизда чет эл саноат концессияси ишлаган эди. 1928 йили ҳатто улар СССРдан қилинадиган қалам ёғочи экспортини ўз қўлларига олоқчи бўлган эдилар. Арча ёғочи уни биринчи даражали хом ашё даражасига кўтарилишини таъминлашга имкон берувчи кўпгина хусусиятларга эга. Арча ёғочини қуритишга, уни махсус қайта ишлашга ҳожат йўқ. Бундан ташқари, арча ёғочидан қилинган қалам бўялмаслиги мумкин — фақат устига лак берилса кифоя, у чиройли шаклга киради. Кедр дарахти ёғочидан қалам қилинадиган бўлса, юқорида санаб ўтилган операцияларнинг ҳаммасини амалга ошириш зарур. Сифат жиҳатдан ҳам у арча ёғочидан қилинган қаламга нисбатан анча паст туради.

Буларнинг ҳаммасини мен ўз ишининг ажойиб жонкуяри Влас Кузьмич Товстенкодан би-

либ олдим. У 1928—1934 йилларда Ўрта Осиёдан арча экспорт қилиш билан шуғулланган эди. Кейинчалик ҳаёт уни бу ишдан узоқлаштирди. 1948 йили пенсияда юрган Товстенко арчани экспорт қилиш, ҳатто ундан ички бозорда фойдаланиш ҳам тўхтатилганлигини эшитиб қолди. Влас Кузьмич қариб қолган бўлишига қарамай, ҳозирги вақтгача биз арча ёғочидан қалам қилишимиз мумкин ва зарур эканлигини исботлаш учун курашиб келмоқда.

«Бундай арзимас мақсад учун ажойиб дарахтни нобуд қилиш керакми, ахир!» — деб хитоб қилади баъзи бир ўқувчи. Лекин уни нобуд қилишга ҳеч қандай зарурият йўқ. Ўрмон хўжалигини тўғри ташкил қилиш дарахтларни санитария жиҳатидан доимий кесиб туришни талаб қилади ва бу тадбир ҳар йили арча ўрмонларида ўтказилиб туради. Бундай кесишдан олинган арчалар эса ҳозирги кунда печга ёқиш учун кетаяпти.

Шуни тан оламанки, В. К. Товстенко ғоялари дастлаб мен учун ҳам ўнчалик жиддий туюлмаган эди. Ахир, Влас Кузьмич қалам ишлаб чиқариш учун ўтинбоп арчадан фойдаланишни таклиф қилади-ку. Ҳатто у ўз таклифи реал ҳисоб-китобларга асосланганини айтиб, менга Красин номидаги фабрикада тажриба учун тайёрланган қалам намуналарини ҳам кўрсатганди. Қалам ишлаб чиқариш тўғри йўлга қўйилса, арчазорларга ҳеч қандай зарар етмаслигига у мени ишонтирди. Арчадан саноатда фойдаланиш ўрмонларни эҳтиёт қилишга ҳам мажбур этади. Ахир, қалам ишлаб чиқариш корчалонларидан бири Фабер ҳам ҳатто Шимолий Африкада арча кўпайтириш билан шуғулланган эди.

Шуни назарда тутиш керакки, В. К. Товстен-

ко ғояларини ҳаётга тўла татбиқ этиш арчазорлардаги хўжаликни юритиш практикасини тубдан ўзгартиришни талаб қилади. Хом ашё сифатида фақат чиқиндилар («арча ёғочи») ишлатилган тақдирда ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ўрмон хўжалигини юритиш маданиятини кескин кўтаргандагина мумкин бўлади. Бунинг учун бошқа муҳим проблема — ўрмон қоровули, ўрмон хўжалиги ходимлари ва назоратчилари сингари малакали кадрларни етарлича тайёрлаш масаласини ҳам ҳал этиш керак бўлади. Шундай бўлсада биз ҳозирданоқ ҳар йили тайёрланадиган арчадан рационал фойдаланиш чораларини кўришимиз керак. Қимматбаҳо хом ашёни ўтга ташлашга бизнинг ҳаққимиз йўқ.

Энди охирги иккинчи масала устида тўхталиб ўтаман. Бир куни мен Қирғизистон Ўрмон хўжалиги Давлат комитети ходимлари билан ошкора суҳбатлашган эдим. Суҳбатимиз арчазорларда тадқиқот ишларини жонлантиришдаги камчиликлар ҳақида бўлган эди. Камчиликлар тўғрисида фикр юритар эканмиз, биз бу масала кадрларга боғлиқлигига иқрор бўлдик. Суҳбатда мен шундай фикрни ўртага ташладим: Ленинграддаги Ўрмончилик техника академиясининг юқори курсида ўқиётганларга мурожаат қилиб, уларни Қирғизистонга практикага келишга, ўрганиб қолганларидан кейин эса шу ерда доимий ишлаб қолишга таклиф қилиш керак.

Қирғизистонда иш шароити оғир, бунга сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Бироқ, қийинчиликлардан қўрқмайдиган ёшлар наҳотки орамизда бўлмаса? Наҳотки, афсонавий ажойиб ўрмонларга ишлаш учун боришга тайёр, лоқайдликка қарши «ҳарбий» юриш олиб боришни талаб

этувчи курашга чорловчи комсомол-романтик-
лар бўлмаса? Бизда бундай кишилар бор, бун
мен биламан. Шунинг учун, пайти келганда ўр-
мончилик ўқув юртлари студентларига шундай
муружаат қиламан: Ўрта Осиё арча ўрмонлари-
га ишга боринглар! Сизни қийин, лекин жуда-
мароқли иш кутяпти.

На узбекском языке

В. ШЕВЧЕНКО,
кандидат биологических наук

АРЧА

Издательство ЦК Компартии Узбекистана
Ташкент — 1970

Переведено из журнала „Наука и жизнь“ № 11 за 1969 г.

Таржимон Н. Отабоев
Техредактор Н. Сорокина

Редактор Н. Ҳикматуллаев
Корректор М. Ҳожиметова

Теришга берилди 19/I-71 й. Босишга рухсат этилди 5/III-71. Қоғоз
формати $84 \times 108 \frac{1}{32}$. Босма листи 0,75. Шартли босма листи 1,26.
Нашриёт ҳисоб листи 0,67. Тиражи 9970. Нашр № 191. Заказ № 95.
Баҳоси 4 тийин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси.
Тошкент, „Правда Востока“ кўчаси, уй № 26.

Ш 40

Шевченко В. Арча.

Т., Узбекистон КП МКнинг нашриёти, 1970. 24 бет.

Шевченко В. Арча.

634.2

**Бу серияда қуйидаги китобчалар
нашрдан чиқди**

1. **Ҳ. Иброҳимов, П. Мансуров** — Алкалоидлар медицина хизматида;
2. **Г. И. Ҳидоят** — Ўрта Осиё халқларининг социалистик қурилишдаги ютуқлари ва ҳозирги замон антикоммунизми;
3. **Т. И. Славкина** — Ўзбекистон паркларини кўкаламзорлаштириш;
4. **С. И. Ягудина** — Томорқа участкаларида резавор мевачилик;
5. **Е. А. Полякова** — Машҳур шарқшунос олим;
6. **Т. Одилов** — Ўзбекистоннинг заҳарли ўсимликлари;
7. **Г. Н. Скопцов** — Тўла хўжалик ҳисобига!
8. **Илёс Низомиддинов** — Мирзо Абдулқодир Бедил;
9. **Нуруллаев** — Волластонит;
10. **А. Абдурахмонов** — Маданият ва тараққиёт.

